

Эй Муоз

09:20 / 31.05.2018 4243

Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга эшакка мингашиб кетаётган эдим. У зот:

«Эй Муоз, Аллоҳнинг Ўз бандаларидаги ҳаққи нимаю, бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақлари нима, биласанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дедим. У зот: **«Албатта, Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи У Зотга ибодат қилишлари ва У Зотга бирор нарсани шерик қилмасликларидир. Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақлари эса У Зотга ширк келтирмаганни азобламасликдир»**, дедилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу билан одамларга хушxabар бермайми?» дедим. У зот: **«Уларга хушxabар берма, яна суяниб қолишмасин»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.